

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбарлари ва котибият мудирлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳокимликларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, молия бўлими бошликлари, бандликка қўмлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари раҳбарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар ва туман бўлиmlари раислари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар директорлари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов олиб борди.

Сессияда кун тартибига қўйилган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очикилиги тўғрисида"ги Қонунининг Чирчиқ шаҳри, Зангиота ва Қибрай туманлари мисолида ижро этилиши, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида дарсга қатнашиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар мониторингини, вилоятда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва ма-

росимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш, 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ва вилоят маҳаллий бюджетининг тўққиз ойлик ижроси, вилоятда туризмин ривожлантириш бўйича Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда келгусида соҳани ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, айрим ташкилий масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Танлов

МЕНИНГ ЖОНАЖОН МАҲАЛЛАМ



Қуйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиди "Менинг жонажон маҳаллам" кўрик-танловининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди.

Ўқувчиларни миллий қадрият ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, давлатимиз мустақиллигининг буюк тарихий аҳамияти, ҳуқуқий демократик давлат, ижтимоий йўналишларини бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришда ўзбек моделининг моҳияти ҳамда инсон

ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлиқни сақлашда маҳалланинг роли ва ўрнини ёшларга ўргатиш, маҳалла тарихини чуқур ўрганиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадларида ташкил этилган беллашувда

(Давоми 2-бетда).



Инвестиция
лойиҳалари

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти негизинда ўзидан иссиқликни ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги цех фойдаланишга топширилди.

Комбинат таркибидида ушбу бўлимининг очилиши республикада таълим юқори бўлган, импорт ўрнини босувчи базальт негизидида махсуслотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга 61 та янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Ушбу махсуслотларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашё етариллиги соҳани барқарор ривожлантиришга кенг йўл очди. Қаттиқ ва ярим қаттиқ плиталар иссиқликни ўтказмаслик хусусиятига эга бўлиш билан бирга, улардан иссиқлик чидамли ва шовқинини босувчи материал сифатида фойдаланиш мумкин.

"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз қурилиш, кимё, нефть ва газ саноатининг етакчи корхоналарини ушбу зарур махсуслотлар билан таъминлай бошлади. Мазкур лойиҳанинг яна бир афзаллиги шундаки, унинг амалга оширилиши республикада иссиқлик ўтказмайдиган материалларнинг импортини кескин қисқартириш билан бирга валютасиз маблағларини тежашга хизмат қилмоқда.

Юлдузхон
ФАЗЛИДИНОВА.

Француз сайёҳлик компаниялари:

«БАРЧА ЭЪТИБОРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИШГА ҚАРОР ҚИЛДИК»



Бу сингари йирик нуфузли тадбирлардан бири ақинда Париж шаҳрида бўлиб ўтган "TOP RESA – 2015" XXXVII халқаро сайёҳлик кўргазмасидир. Унда дунёнинг ўнлаб мамлакатидан сайёҳлик бошқармалари, меҳмонхоналар, сайёҳлик операторлари ва авиакомпаниялар иштирок этишди.

Ўзбекистон делегацияси таркибидан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, шунингдек, қатор сайёҳлик операторлари жой олди.

Бетақор аънавий услубда безатилган мил-

лий навильонимизда меҳмонлар мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан танишди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Гвенал Ле Моал, "Terre d'Escapes" компаниясининг харидлар бўйича директори:

– Компаниямиз Осиё йўналиши бўйлаб индивидуал саёҳатларни уюштиришга ихтисослашган. Ҳозирда биз барча эътиборимизни Ўзбекистонга қаратишга қарор қилдик. "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Мазкур жабҳа тараққиёти республикамизнинг қулай жўғрофий жойлашуви, иқлими ва табиий ресурслари, шунингдек, халқимизнинг бой тарихий-ма-

ташкил қилинган "Мегаинфо-тур" дастури орқали яқинда мамлакатингизда бўлиш ҳамда бетақор тарихий обидаларни бевосита томоша қилиш шарафига мўъсабар бўлдим.

Юртингизга қилган таширфим чоғида ажойиб табиий манзаларлар билан бир қаторда буюк тарихий-меъморий ёдгорликлар мени ҳайратда қолдирди. Мазкур саёҳатдан унутилмас таассуротлар олдим.

Сайёҳликнинг Ўзбекистон йўналиши истикболига ишонч билан қарайман. Бугун миқозларимизнинг кўпчилиги айнан сизнинг мамлакатингизга саёҳат қилиш истгани билдиришмоқда. Чунки мазкур саёҳат чоғида улар нафа-

қат қадимий меъморчилик санъати гўзаллигидан баҳраманд бўлишлари, балки дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлиқни ҳис қилган ҳолда миллий таомлардан татиб қўриш имкониятига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Линда Бидон, "Avita Voyages" компанияси директори:

– Мен мамлакатингизнинг "TOP RESA – 2015" кўргазмасидаги бўлма-си бахонидил таширфига буордим. Мазкур сайёҳлик кўргазмаси нафақат Францияда, балки Европада ҳам муҳим ва нуфузли тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон европаларни доимо ўзига ром этиб келган Буюк Ипак йўлининг муҳим ажрал-

мас қисмларидан бири. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси орқали тўғридан тўғри қатнов билан Францияга сайёҳларни Тошкент ёки Ўрган шаҳарларига юбориш имконияти тугилганидан беҳад мамнунимиз ҳамда авиакомпаниянинг "хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик" шiori бизга жуда маъқул.

"TOP RESA" кўргазмасида мамлакатимиз делегацияси вакиллариининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўтказган учрашувлари юртингиз сайёҳлик махсусотлари билан яқиндан танишиш ҳамда ҳамкорлигини истикболли йўналишларини аниқлаш имконини берди.

"Жаҳон" АА.

8 декабрь – Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси куни

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАЯНЧИ

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун, аввало, ёшларда ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш, ўқитувчиларнинг педагогик салоҳияти, маҳоратини ошириш гоёт муҳим аҳамиятга эга. Конституция таълим муассасаларининг ўқув режасига алоҳида фан сифатида киритилган. Ўқитувчиларнинг бу борадаги билим ҳамда

қўниқмаси янада оширилди, мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ҚАБОҲАТНИНГ ДАРВОЗАСИ БОРМИ?

Исмингиз нима?... "Дилшод" дейсизми? Жуда ажойиб экан. Энди тасаввур қилинг, битта қизқичкаттагон саҳнага чиқиб, микрофонда шунчаки исмингизни айтса, одамлар шарақлаб қулаверса. Галати-ку, тўғрими? Майли, бу ҳақда кейинроқ...

Бундан йигирма йил аввал телеэкранда шундай бир лавҳага кўзимиз тушганди. Олис бир қишлоқда истиқомат қилувчи одам оддий қўриқчи хуружи тўғрисида ҳаётдан бевақт кўз юмади. Марҳумнинг умр йўлдоши надомат билан айтган мана бу гаплар хануз ёдимизда қолган: "Туман маркази билан қишлоғимиз ўртасида оддий телефон алоқаси йўқ. Зарур бўлганда хатто "Тез ёрдам"ни ҳам қақира олмаймиз..."

Ҳақиқатдан ҳам ўша пайтларда мобил алоқанинг бугунги кундагидек бетизгин ва жадал ривожланиши, инсоннинг онгу тафаккурини заҳарлаши, маънавий оламини тубанлаштириши, неча-неча ёшларни нақ ажалнинг домига тортиб, қанчалаб оилаларнинг бузилишига олиб бориши ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

Бугун замонавий телекоммуникация утуклари бўлиши уяли телефон воситалари, интернет тизими ва ундаги ижтимоий тармоқларнинг фойдасио зарари ҳақида кўп гапирилаяпти. Баҳо-мунозараларда битта ҳақиқат юзага қалқиб чиқмоқда. Яъни, эртаимиз давомчиларининг бугунги маънавий қиёфаси, ўй-хаёллари, юриш-туриши уяли телефондан қанчалик тўғри ёки ноҳиж фойдаланаётганлари билан боғлиқ бўлиб қолаёттир. Нега шундай?

Шаҳар бедарвоза эмас, деган гап бор. Лекин, уни

глобал тармоқ – интернет тизимиға нисбатан ишлаш тиш ноҳиж. Чунки бу оламнинг "дарвозаси" йўқ. Бекатда, автобусда, метрода, борингки, ёшлар бор ҳамма жойда, "телефон-бозлик"! Қаёққа қараманг, шу бир оддий жонсиз матоҳга мутелиқни кўрасиз. Телефонига мук тушиб, нималарнидир эшиттаётган ё кўраётган ёш-ялангларга эътибор қилинг. Аксарият ҳолларда улар зўравонлик, ҳаёсизлик акс этган видео-лаҳзаю суратларни томоша қилишаётган бўлади. Уларнинг ҳаммаси алламбалло хориж сайтларидан юкбало олинган қабоҳат манзаралари. Кимнинг телефониди "янгиси"дан бўлса, ўтказиб олаверишади. Яна, "Телеграмм", "Ватсап", "Фейсбук" каби ижтимоий тармоқлар ҳам борки, бу беминнат "дастёр"лар асло чегара билмайди, дунёнинг бир бурчагиди бўлган қандайдир ҳаёсизлик бир зумда фарзандингиз қўлидаги "айфон"га муҳрланиши ҳеч гапмас.

Биз болажон халқимиз-да. Кечагина "алифбо"ни ҳижжабало ўқийётган боланинг, бугун: "Компьютер олиб берасиз"га тушади. Қизалоғингиз: "Тугилган кунимга телефон совға қилинг, дадажон, "галлакси"сидан", дейди. Уларнинг бировдан кам бўлишини истамасиз, олиб берасиз. Боланинг эса киши билмас ҳолда "ўргимчак тўри"га илиниб бораётганини ўйлаб ўтирмайсиз...

(Давоми 2-бетда).

Куз-қиш мавсумига тайёرمىсиз?

Юртимизда куз оёқлаб, қиш эшик қоқа бошлади. Кечаги биринчи қор ҳам шу ҳақда огоҳлантирди. Ҳўш, Оҳангарон туманида куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг аҳволи қандай?

Туман ҳокимлигида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Иштиёр Ботиров билан шу ҳақда суҳбатлашдик. Унинг айтишича, туманда 152 та кўп қаватли уй бўлиб, хонадон эгаларининг аксарияти бадал тўловларини тўлаган. Бундай ширкатларда аҳвол яхши, тўланмаган уйларда эса камчиликлар бор экан. И. Ботиров ҳамроҳлигида 10, 12, 14-уйларни кўздан кечирдик. Кириш йўлакларига темир эшик ўрнатилган, ромларга ойна солинган. Болалар ўйдончаси намунали бўлма-

сада, жажжи кичкинтойлар қува-наб, ўйнаб юришибди. Бу уйлар "Илоқ шунқори" ширкати-га қарашли экан.

– Ширкатимиз 2 та 5 қаватли, 3 та 4 қаватли уйлардаги 288 та хонадон соҳибларига хизмат кўрсатади, – дейди ширкат раиси Инна Старцова. – 2014 йил август ойида банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, уйлар томини таъмирладик. Ўша йилнинг декабрида кредит қарзидан қутулдик. Уйларимизнинг бугунги ҳолати ёмон эмас. 2014 йилда ертўлалардаги ярқисиз канал-

зация қувурларини пластмас-салисига алмаштирдик. Тўпланган сув ва ахлатлардан то-залаб, чиқорлар ўрнатдик.

2015 йилда 30 миллион 299 минг 600 сўмлик иш бажариш режалаштирилган бўлиб, 15-уйнинг 6 та йўлаги капитал таъмирланди. 26 та темир эшик-нинг 16 тасига кодли қулф ўрнатилди. Йўлаклардаги ромларга 6 квадрат метр ойна солинди.

Бу ёғига факат ободонлаштириш ишлари билан шугулланамиз. Болалар ўйингоҳини такомиллаштирамиз, қариялар учун суҳбатхона барпо этамиз,

манзарали ва мевали дарахт қўчатлари экамиз.

14, 15-уйларда яшовчилар "Илоқ ҳамнафис" ширкати хизматидан қониқмаганликлари учун 2012 йилда ундан воз кечи-б, "Илоқ шунқори" ширкати-га ўтдилар. У вақтда ертўла-ларни сув босиб, сичкон ва ка-ламўшлар уя қурган эди. Юқори қаватдаги хонадонлар-нинг томидан чакка ўтарди... Инна Старцова раҳбарлигида-ги ширкат икки йилда барча муаммо ва камчиликларни бар-тараф этди.

(Давоми 2-бетда).



ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ

Маънавият

Социологлар ўтказган норасмий сўровлар натижаси кишини мулоҳазага чорлайди. Қаранг, фарзандига телефон олиб берган ота-оналарнинг 46 фоизи бу ишни ўғил-қизларининг "қелди-кетти"сини доимий назорат қилиб туриш, 35 фоизи эса "қоракўзлари"нинг бировдан кам бўлмаслигини ўйлаб қилишганини айтишган. 19 фоизи эса, бунақа матоҳни фарзандлари тушлик пулидан, китоб-дафтардан тежаб йиққан пулларига солиб олганини яширишмаган. "Фарзандингизнинг телефондан фойдаланишини мунтазам назорат қилиб турсизми? Умуман, унинг телефонидан қандай маълумот ва файллар борлигини биласизми?" деган саволга 8 фоиз ота-онадан ижобий жавоб олинган, холос. Нима ҳам дердик, ўша "саккиз фоиз"га раҳмат!

Тайин-тутуриги йўқ хориж сайтларидан юклаб олинган видеолар ҳақида гапирамиз-у, аслида ўзимизда уюштирилган ёки суратта олинган лавҳалардаги шармандалиқлар ҳам улардан қолишмайди. Бугун ижтимоий тармоқда нималар йўқ, дейсиз. Бор-зордаги саррофининг найрангидан тортиб, лифтадаги "шакаргүлорлик"кача бор! Бундан бир фурсат аввал, ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларда бир навиҳол қизнинг аянчи ўлимга сабаб бўлгани кўпчиликка яхши маълум. Бошқа бир лавҳада эса эрини жазми билан ушлаб олган аёлнинг беҳаё жазаваси акс этган. Буларни ким, нима мақсадда тасвирга туширади-ю, таркатади?

Хабарингиз бор, ҳозир турфа комик гуруҳлар чиққан. Бундан бир муддат аввал ёшлар орасида машҳур бўлган шунақа гуруҳлардан бирининг концертга тасодифан тушишга тўғри келди. Концерт давомида бутун зал хандон отиб, тиззасига

(Давоми. Боши 1-бетда).

уриб қуларди. Аммо, ҳеч қулгим келмайди, денг. Тўғрироғи, бу ерда ҳеч бир қулғили гапининг ўзи йўқ эди. Мана, қаранг. Комик гуруҳ аъзоларидан бири микрофони кўтариб, саҳнага чиқиб келди-да: "Дил-шо-о-од!" деб қичқирди. Бир қулғи бўлдики, нари-бериси

ҚАБОҲАТНИНГ ДАРВОЗАСИ БОРМИ?

йўқ. У яна қайтарди: "Дил-шо-о-од!". Яна ўша ҳол – ёш-яланларнинг қулғисидан санъат саройининг шифти кўчиб кетаёзди. Инсоф билан айтган, бунинг нимаси қулғили? Бошқаси чиқиб, "Абдуҳошим!" деса, ҳамма кулаверса, яна биттаси чиқиб, "Қобилжон-он!" деса, яна ҳамма ер тепиб, хандон отса! Шунинг кизиқчилиги бўлдики? Бўлар-бўлмасга қуладиганларни нима дерди-я, эсимдан қичди...

Ташқарига чиққанда ҳамроҳимдан сўрасам, изох берди: бунақа бачканаалиққа қулишим учун телефон орқали ижтимоий тармоқларда тарқалган баъзи бир лавҳаларни кўрган бўлишим керакмиш. Унинг охири таънаси ҳаммасидан ошиб тушди: "Замондан орқада қолиб кетибсан-ку, оғайни, тузукроқ смартфон тутсанг бўмийдимми?"

Бунақа "замонавийлик"нинг нафақат маънавий оламимиз, балки соғлигимизга ҳам зарари кўп экан, қаранг. Бу ҳақда шифокор Нигора Соатова шундай дейди:

– Уяли телефондан ҳаддан ташқари узок ва палпартиш фойдаланиш оқибатида кўплаб одамларда, айниқса, ёшларимизда сурункали бош оғриги, кўнгли айнаши, иштаҳа йўқолиши, юрак

ўйноғи, хотира сусайиши, қаттиқ руҳий ҳаяжон кузатишмоқда. Кўпгина мутахассислар буни замонавий алоқа воситаларидан тарқаладиган радиация нурларининг киши танасига бевосита таъсири билан изоҳлашмоқда. Ҳозир телефон орқали ёзма интернет материал-



лари, электрон китоблардан фойдаланиш ҳам урф бўлганки, ўғил-қизларимиз мобил алоқа аппаратурининг ўта кичик ҳажми мониторинглари орқали бир-биридан майда ёзувларни, СМС хабарлари ва ижтимоий тармоқ ёзишмаларини ўқишга мажбур бўлишмоқда. Боз устига, кечки маҳал, уйку олди-дан ним қоронғи хонада телефон титқилаб тонг оттирадиганлар йўқ эмас. Улар бунинг кўз нурига путур етказиши, қорачикларнинг кенгайиши, кўздаги нихотда майда қон томиларининг зўриқиши ҳамда ёрилишига сабаб бўлаётганини ўйлаб ҳам кўришмаяпти. Энг ачинарлиси, уяли телефон, интернет тизими ўз хусусиятига кўра, кучли мойиллик ва мутеликни келтириб чиқарадики, буни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди...

Педагог Сурайё Ўрин-

боева мулоҳазалари ҳам фоят ўринли:

– Ўзимизча бир тажриба қилиб кўрдик. Ўзлаштириш кўрсаткичлари деярли бир хил бўлган икки ўқувчимизга шундай "уй вазифаси" бердик. Улар машҳур ёзувчи Нодар Думбадзенинг "Эллада" ҳикоясини ўқиб, синф-

дошларига келаси дарсда маъносини гапириб беришлари керак эди. Бир ўқувчига ҳикояни ўқиш учун ёзувчининг китобини, иккинчисига эса асарнинг интернетдан юклаб олинган электрон вариантыни бердик. Буни қарангки, ҳикояни китобдан ўқиб келган ўқувчимиз уни тушунарли, равоқ қилиб гапира бошлади, ҳикоянинг моҳиятини белгилайдиган нозик диалог, эпизод ва деталларни ҳам назардан қочирмади. Уни тўхтатиб, асар давомини иккинчи ўқувчимиздан сўрадик. У баён қилишга қилди-ю, айрим жойларини ташлаб кетди, натижада ҳикоя ечимини маҳум ва тумтарақ бўлиб қолди, унинг ўзи ҳам яхши тушулмаганини аширмади. Бундан хулоса шуки, телефон, компьютер ёки планшетлар ёрдамидаги электрон "китобонлиқ" ҳеч қачон ҳақиқий муталаанинг

Шукур МУРОДОВ.

ўрнини босолмас экан.

Замонавий телефонларда глобал тармоқ билан боғланиш имкониятининг кенглиги, афсуски, ўқувчию талабаларни дангас, дарс мавзуларига юзак ёндошадиган қилиб қўяётгани ҳам бор гап. Масалан, кимё ўқитувчиси назорат учун ўқувчига манфий ва мусбат ионлар ҳақида реферат ёзишни буюрди, дейлик. Ўқувчи қўл телефони орқали операцияни қидирув тизимида "ион" сўзини ёзса бўлди, мавзунинг авра-астарини ўғириб ташлайдиган бири-бирдан узун маъруза матнлари, "курс иши"ю рефератлар муҳайё. Қизиғи, интернетдан маълумот юклаётган ўқувчи ўқитувчига тақдим этаётган ёзма ишни лоқал ўқиб ҳам кўрмайди. Бундан ҳам қизиғи шуки, ўқитувчи ўша "ёзма иш"нинг жим-жимдор бош варағига ҳафсала билан имзо қўяди: "аъло!"

Бу ёғини сўрасангиз, ўша қурғур қимматбаҳо смартфон, "айфон", яна алламбало "...фон"лар қуруқ ҳавога ишламайди. Интернет трафигининг ҳар бир мегабайти учун маълум миқдорда маблағ ташлаб этилади. Юқорида, шифокор олинган фикрларидаги "кучли тобелик"ни назарда тутадиган бўлсак, телефон балоси ҳам, таъбир жоиз бўлса, маънавий гиёҳандлиқнинг бир қўри-ниши экан-да!

Пичоқ ясайдиган темирчи уни оддий ошхона анжоми, деб билади. Ҳеч қачон ўзи ясаётган буюмининг қотил қўлига тушиб, соғуқ қуролга айланишини ўйламайди. Илм-фан, техника тараққиёти ҳам шундай. У инсоният таназзулини эмас, раванқини кўзлайди. Зотан, уяли телефон хизмати билан боғлиқ иллатлардан ҳимояланиш ҳам, аввало, ўзимизга, маънавиятимиз ва фарзандларимизга бераётган тарбиямизга боғлиқ.

Шукур МУРОДОВ.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАЯНЧИ

Ушбу ҳужжатга биноан Конституцияни ўрганиш мактабгача таълим муассасаларидан бошланиши жорий этилди. Тарбиячилар кичкинтойларга Бош қомусимиз ҳақида дастлабки тушунча беришда "Konstitutsiya saboqlari" махсус ўқув қўлланмасидан фойдаланмоқда. Машғулотлар содда, болалар диди ва дунёқарашига мос услубда олиб борилаётир.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич ҳамда 5-7-синфлари учун ушбу фан бўйича алоҳида курслар ташкил этилган. Хусусан, 1-4-синфларда "Konstitutsiya saboqlari"нинг узвий давоми сифатида "Konstitutsiya alifbosi" ўқув курси фанлар таркибига сингдирилди. 5-6-синфларда "Konstitutsiya olamiga sayohat" дарслари ўтилмоқда. Бунинг учун ўқув режа 17 соат этиб белгиланган.

Ҳадемай Ўзбекистон

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 23 йил тўлади. Айни пайтда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидоги таълим муассасаларида ҳам ушбу санани муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 10 нояб-ридан 10 декабрига қадар вилоятдаги барча таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсон камолоти, бахти ва фаровонлиги қомуси" шиори остида ҳуқуқий маданият ойлғи ўтказилади. Ойлик доирасида "Ўзбекистон давлати: юксалаётган обрў ва эътибор", "Президент асарлари билим-донини", "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий асоси" мавзуларида иншо-лар, фото ва суратлар кўрик-танлови ташкил этилади.

– Мактаблардаги ҳу-

қуқшунослик фани ўқитувчилари иштирокида маҳалларда кунда-кунора "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсонпарварлик ва адолат таянчи" мавзуида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилади, – дейди Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Убайдулла Парпиев. – Умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган "Конституция – бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг жорий йилги ҳудудий босқичи ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилиши режалаштирилган.

Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида "Конституция – бахтимиз пойдевори", "Конституцияни ўрганамиз" номли методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга етказиб берилмоқда.

Б. ХИДОЯТОВ,
ЎЗА муҳбири.

Танлов

МЕНИНГ ЖОНАЖОН МАҲАЛЛАМ



коллеж ўқувчиларидан иборат "Янги ҳаёт" маҳалласининг "Янги ҳаёт", "Ўзбекистон беш йиллиги" маҳалласининг "Адолат", "Нуробод" маҳалласининг "Умид учкунлари" ҳамда М. Отажонов маҳалласининг "Нихол" жамоалари ғолиблик учун баҳслашишди.

Уч шарт бўйича ўтган танлов якунида М. Отажонов маҳалласининг "Нихол" жамоаси ғолибликни қўлга киритди ва туман босқичига йўлланма олди.

– Маҳалласимиз тарихи ҳақида қишлоғимизнинг

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёши улугъ отахону онахонларидан, устозларимдан кўп эшитганман, – дейди "Нихол" жамоаси сардори Соҳибжамол Абдуллаева. – Аммо, танловга тайёргарлик кўриш жараёнида маҳалламиз тарихи ҳамда кўплаб миллий қадрият ва урф-одатларимиз тўғрисида янги маълумотларга эга бўлдим. Эътиборлиси, маҳалланинг ҳаётимиздаги бекиёс ўрнини тобора тевранроқ англаяпмиз.

Шунингдек, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги коллежидан "Гул" маҳалласининг "Нафосат", хизмат кўрсатиш

ва сервис коллежидан "Хўжа" ва "Қизил Шарк" маҳаллаларининг "Ғалаба" жамоалари ғолиб бўлиб, танловнинг туман босқичига йўлланма олишди.

"Менинг жонажон маҳаллам" кўрик-танловининг биринчи босқичи вилоятимизнинг барча касб-хунар коллежлари ва академик лицей ҳамда умумтаълим мактабларида ҳам бўлиб ўтди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Мансур НАҲАЛОВ,
Қобилжон ГОФУРОВ
олган суратлар.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

"Оддийгина данак митти кўринишда бўлса ҳам унинг бағрида улкан чинорлару мевали боглар ухлайди", дея бошланади муаллиф Мирзоат Мирзахмедовнинг "Сенсиз ва сен билан" китоби. 75 ёшида бир қатор қиссалар ёзиб, уни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган геолог олим ҳаёти чинданда ёшларга ибрат мактаби.

ШУКРОНА

– Бугуннинг ёшлари-га ҳавасим келади, улар истиқлол фарзанди, – дейди Зангиота туманидаги "Файзобод" маҳалласи фуқароси Мирзоат Мирзахмедов. – Илм олиш учун барча имкониятлар яратилган. Болалигимизда бундай имкониятларни орзу қилиб, ойдин кунлар умиди билан яшадик. Шундай бўлсада, кўпроқ илм олишга ҳаракат қилдим. Умр йўлдошим Сайёрахон билан уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик.

Йиллар ўтиб, Санкт-Петербургдаги аспирантурада таҳсил олдим. Етмишдан ортиқ илмий мақолалар, саккизта илмий-оммабоп рисоаларни чоп эттирдим. Турмуш ўртоғим Сайёрахон ҳам 35 йил Зангиота туманидаги туғуруқ мажмуасида ишлади. Бугун 11 невар, 6 аваранинг бувиши ва бобосимиз. Яратганга шукр, давлатимиз ардоғида, фарзандларимиз эътиборидамиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Биз кексаларга бундан ортиқ бахт йўқ дунёда.

Наргис МАМАТКУЛОВА.

ФАҲРИЙЛАРИМИЗ ҲАМИША ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Чирчиқ шаҳрида истикомат қилаётган 18 минг 964 дан зиёд кексалар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилиб, муолажага муҳтожлиги

– Юртимизда кекса авлодга кўрсатилаётган юксак эътибордан чирчиқлик фахрийлар ҳам беҳад мамнун, – дейди "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Ғайбулла Тулиев. – Давлат дастурига кўра, йил бошидан буён 330 дан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийсининг ҳолидан хабар олиниб, шаҳар ҳокимлиги ва "Нуроний" жамғармаси бўлимининг эсдалик совгалари берилди. Яна 20 дан ортиқ нуроний имтиёзли йўлланма асосида марказий санаторий-соғломлаштириш масканларида даволанди.

Бундан ташқари, 35 қария ва 9 ёлғиз кексалардан хабар олиниб, ташхис натижаларига қараб, бепул дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари берилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Хайрли ишларда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳам фаол иштирок этаётди. Хусусан, таълим муассасаларида "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қариялар – хонадонларимиз файзи ва фаришатиси" мавзуларида ўтказилаётган тадбирларнинг ёшлар учун

аниқланган 9400 нуроний амбулатория ва даволаш-профилактика муассасаларида саломатлигини тиклади.

тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда. Шаҳардаги "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати", "Максам Чирчиқ" акциядорлик жамиятлари, "Ўзбекхиммаш заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари йирик корхоналар уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ташкил этаётган маърифий кечалар, учрашувлар ва "Майдонда бувижонлар ва буважонлар" шиори остида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари уларнинг кўнглини кўтармоқда.

"Максам Чирчиқ" ак-

циядорлик жамияти уруш ва фронт орти меҳнат фахрийларидан 100 нафарига 4 миллион 510 минг сўмликдан ортиқ озиқ-овқат, уй-рўзгор буюмлари ва кийим-кечак берди. "Ўзбекхиммаш заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси корхонада ишлаб кетган ва ҳозир ҳам меҳнат қилаётган фахрийларнинг саломатликларини тиклаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Куз-қиш мавсумига тайёرمىсиз?

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ



"Илоқ шунқори" ширкатига қараши уйларида куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг аҳоли ёмон эмас. Бироқ, "Мурувват гулшани" ширкати тасарруфидоги бинода вазият аксинча. Нодира Тешабоева раҳбарлигидаги ширкат 7, 8, 16, 18, 19, 20-уйларга хизмат кўрсатади.

– Аҳоли талаб қилиши билади, – дейди Н. Тешабоева. – Хонадон эгалари электр, газ, сув ва бадал тўловларини вақтида тўлаб борганларида ҳеч қандай муаммо бўлмас эди.

20-уйнинг электр шчитиди 380 вольтли кабелъ бир неча йилдан бери очиқ ҳолда осилиб ётибди. Охангарон туман

электр тармоқлари корхонасига 2015 йил июль ойида қилинган муружаатга ҳамон жавоб йўқ. Бунинг устига юқори қувватли кабелъ ер остидан эмас, ҳаводан, дархат ва йўлаклар устидан ўтганлиги учун исталган вақтда бирор қори ҳол юз бериши мумкин. Туман электр тармоқлари мутасадди ходимларининг бундай хатарга бефарқлиги ажабланарли.

Нодира Тешабоева ўзи раҳбарлигидаги ширкат хизмат кўрсатаётган уй-жойлар қай аҳволда эканини кўриш учун бизга ҳамроҳлик қилгиси келмади. Ўзимиз айланишга қарор қилдик. Кўпгина киравериш йўлаклари таъмирталаб, ойналари йўқ, бўялмаган. Ёмғир сувлари учун ётқизилган лоток-

лар лой-тупроққа тўлиб ётибди. Баъзи уйлар атрофи сўнгги марта қачон тозаланганини билиб бўлмайдим.

18-уйнинг 19-хонадонига кўтарилдик. 70 ёшли Галина Орёл невараси билан яшар экан. Охангарон ва Ангрэн шаҳридаги кўп қаватли уйлар қурилишида иштирок этган бу аёл, "Мурувват гулшани" ширкати хизмати ҳақида гапираркан, 2011 йил декабрь ойидан бери томидан чакка ўтишини айтиб, ҳокимиятга, ширкатга ёзган шикоятларининг нусхаларини кўрсатди.

– Уларга ишонсам, 4 йилда уйим тўкилиб кетарди, – деди у. – Собик қурувчиларим кўл келди. Меҳмонхона, ошхона ва айвондаги муаммоларни



ўзим ҳал қилдим. Аммо, асабга ҳам, ҳамёнга ҳам анча зарар бўлди. Кечаги ёмғирда ошхона, электр тарқатиш қутисидан олов чиқиб, портлади.

Галина Орёлнинг сўзларини эшитиб, Нодира Тешабоевнинг 18-уйнинг томи мукамал таъмирланди, деган гап нотўғри эканини тушунидик. Ихтиёр Ботиров Н. Тешабоевага телефон қилди. Лекин у келмади. Ширкат раҳбарисиз уйма-уй ва хонадонма-хонадон

юришни ўзимизга эп кўрмадик. Аммо, биз билан мулоқотда бўлган аксар аҳоли ширкат хизматидан норози эканини айтди.

Хуллас, қолган ишга қор ёғди, изғиринли кунлар бошланиб кетди. Юқорида тилга олинган чала ишлар қачон битади? Бу саволга тайинли жавобни ким беради?

Даврон АҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Муаллиф олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

